

Ахмаджонова Ёрқиной Тоғжумуродовна,

“Кимё” кафедраси ассистенти

Жиззах политехника институти, Ўзбекистон

РАМСАР КОНВЕНЦИЯСИ: АЙДАР-АРНАСОЙ КЎЛЛАР ТИЗИМИ ЭКОЛОГИЯСИ

Аннотация: Айдар-Арнасой кўллар тизими ўзгарувчан экотизим ҳисобланади. Экотизимдаги ўзгаришлар ландшафтнинг ҳамма компонентларига, яъни, ўсимлик, ҳайвонот, ер ости сув сатҳи ва минераллашиш даражасига ҳам таъсири бўлади. Арид ҳудудда ўзига хос микроклим ҳосил бўлиб, атроф-муҳит иқлимига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Таянч сўзлар: Арид ҳудуд, экотизим, геотизим, ландшафт, кимёвий анализ, гидрокимёвий. Рамсар Конвенцияси, акватория, табиий ареал

RAMSAR CONVENTION: ECOLOGY OF THE AYDAR-ARNASOY LAKE SYSTEM

Abstract: Aydar-Arnasoy lake system is a variable ecosystem. Changes in the ecosystem will also affect all components of the landscape, i.e. flora, fauna, groundwater levels and mineralization levels. A unique microclimate is formed in the arid region, which also affects the surrounding climate.

Key words: Arid region, ecosystem, geosystem, land

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон республикаси арид ҳудудда жойлашганлиги сабабли, бош муаммо - сув эканлигини кунлик ҳаётимиз ёки матбуотимиз орқали чоп этилаётган мақолалар ҳам кўрсатиб турибди. Бугунги кунда республикамиз ҳудудидаги сув манбалардан оқилона фойдаланмаслик оқибатида, табиий равишда пайдо бўлган сув ҳавзалари қуриб (Орол денгизи) бораётганлигини ва баъзи бир ҳудудларда эса ташлама кўллар (Айдар-Арнасой, Сарикамиш ва Денгизкўл)нинг акваторияси кенгайиб, ўзига хос бўлган экотизим (геотизим)лар

шаклланаётганлигини кўрамыз[1]. Арид ҳудудда ҳосил бўлган Айдар-Арнасой кўллар тизими ўзгарувчан экотизим ҳисобланади. Экотизимдаги ўзгаришлар ландшафтнинг ҳамма компонентларига, биринчи навбатда ўсимлик, ҳайвонот, ер ости сув сатҳи ва минераллашиш даражасига ҳам таъсири бўлади. Иккинчи томондан арид ҳудудда ўзига хос микроиклим ҳосил бўлиб, атроф-муҳит иқлимига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Атроф-муҳит иқлимидаги ўзгаришлар шу жойда тупроқларга, ўсимлик қопламига ва ҳайвонот оламига ҳам таъсири бўлмоқда. Ушбу ўзгаришларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва олдиндан башорат қилиш катта илмий ҳамда амалий аҳамиятга эга[2].

Асосий қисм. Ер шарининг ярмидан кўпроғи, яъни 71 фоизи сув билан қопланган бўлса-да, сув ҳавзаларидан охирги йилларда саноат ҳамда хўжалик эҳтиёжлари учун кенг фойдаланиш уларга бўладиган турли таъсирлар кўламнинг кенгайишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 30 августдаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Рамсар Конвенциясига қўшилди ва ушбу қарор 2002 йилнинг 8 февралдан кучга кирди[3]. Ҳозирда мамлакатимизнинг майдони 31,3 минг гектарга тенг Денгизкўл ҳамда 527,1 минг гектар бўлган Айдар-Арнасой кўллар тизими Рамсар рўйхатига киритилган.

Денгизкўл сувда сузувчи қушлар мониторинги учун муҳим сув муҳофаза объекти ҳисобланади. У ерда қушларнинг 170 дан ортиқ турини, хусусан, Ўзбекистон Қизил китобига киритилган қушларнинг 24 тури ва табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқининг рўйхатига киритилган 2 турини учратиш мумкин.

Умуман, мазкур акваториянинг биохилма-хиллигини сут эмизувчиларнинг 35 тури, балиқ ҳамда судралиб юрувчиларнинг 24 тури, амфибиянинг 2 тури ташкил этади. Суви оқиб чиқиб кетмайдиган кўлда

ўсимликларнинг 47 тури ўсиб, улардан 6 тури Ўзбекистон Қизил китобига киритилган бўлиб, 16 тури Марказий Осиё эндемиклари ҳисобланади.

Рамсар рўйхатига киритилган иккинчи объект-Айдар-Арнасой кўллар тизими таркибига Тузкон, Арнасой ва Айдаркўл кўллари киради. Ҳозирги кунда Айдар-Арнасой кўллар тизими майдони 3702 км² ва сув ҳажми 44,1 км³ ни ташкил қилган улкан сув ҳавзасига айланди.

Айдаркўл сувларининг таркибида сульфат ва натрий ионларининг миқдор жиҳатдан кўплиги, унинг шўр таъмга эга эканлигини белгилайди. Сув ранги яшил-кўкимтир. Сувнинг шўрланиш даражаси 3,2-12,2 г/л гача ўзгаради. Энг юқори шўрланиш даражаси баҳор ойларига тўғри келади. Аста-секинлик билан мазкур сув ҳавзаси сувнинг таркибида туз ионлари миқдори ортиб бормоқда. Бугунги кунда Айдаркўлнинг турли ҳудудларида сувдаги туз миқдори 4-16,5г/л гача, ўртача 10,2 г/л ни ташкил этади. Айдаркўл сувининг ион таркиби океан суви таркибига яқин туради. Ўрта Осиё гидрометриалогия илмий-тадқиқот институти маълумотларига кўра 1990 йил 2005 йилда сувнинг шўрланиш даражаси шарқий ҳудудда 17 г/л бугунги кунда 12,2, г/л, ғарбий ҳудудда 22 г/л бугунги кунда 14,5 г /л гача етиши аниқланган. Сувнинг рН кўрсаткичи Айдаркўлда 8,6 га, Тузконда 8,8 га, Арнасойда 8,9 га тенг. Бу кўрсаткичлар Айдаркўл суви кучи ишқорий муҳитга эга эканлигидан далолат беради[4,5].

Натижа ва муҳокама.Мазкур Конвенция яшаш ареаллари нафақат бир давлат ҳудудида жойлашган, балки уя қуриш, учиб ўтиш, қишлаш ареаллари турли давлатлар чегарасида жойлашган қуш турлари, шунингдек, Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқининг Қизил рўйхатига киритилган, ҳаётининг маълум қисмида республикамиз ҳудудида яшовчи қуш турларини ҳам муҳофазалашда муҳим ўрин тутди.

Республикамиздаги Рамсар рўйхатига киритилган кўллардан оқилона фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш ва умуман

Конвенция талабларини тўлақонли бажаришда сув-ботқоқ экотизимлари кадастри ва мониторингига йўналтирилган илмий тадқиқотларни бажариш муҳим ўрин тутди.

Мазкур халқаро ҳужжатдан кўзланган мақсад:

- инсон ва унинг атрофини ўраб турган муҳитнинг ўзаро боғлиқлиги;
- сув-ботқоқ ерларнинг иқтисодий, маданий ва рекреациявий аҳамияти;
- сувда сузувчи қушлар ва уларнинг муҳофазаси халқаро ресурс сифатида қаралиши лозимлигини тан олган ҳолда;
- узоқни кўзлаган миллий сиёсат билан халқаро ҳаракатларни мувофиқлаштирилишини таъминланишдан иборат.

Бугунги кунда мазкур Конвенцияга 169 та мамлакат аъзодир. Айдар-Арнасой кўллар тизими таркибидаги Тузкон, Арнасой ва Айдаркўл кўллари мамлакатимизда Рамсар рўйхатига киритилган санокли объектлардан ҳисобланади.

Маълумки, юртимиздаги асосий сув манбалари трансчегаравий хусусиятга эга бўлган Амударё ва Сирдарё дарёлари билан узвий боғлиқ. Ички кўллар сув сатҳидаги ўзгаришлар ҳам мазкур дарёларнинг йиллик сув ҳажми билан узвий боғлиқлигини ҳисобга олсак, бу масаланинг ўта долзарблиги яққол намоён бўлади. Шу боис ҳам Рамсар Конвенциясида аҳдлашувчи томонлар ушбу ҳужжатдан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш бўйича, айниқса, сув-ботқоқ ерлар бирдан ортиқ аҳдлашувчи томонлар ҳудудларида жойлашган бўлса ёки сув тизими бирдан ортиқ аҳдлашувчи томоннинг ҳудуди таркибида бўлганда, бир-бирлари билан маслаҳатлашиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Экологик тизимларни сақлаш ва яхшилаш, аҳолининг экологик хавфсиз яшашини таъминлашга эришиш мақсадида “Ўзбекистон

Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида 2030 йилгача мўлжалланган концепция” лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги ҳам мамлакатимизда барқарор ривожланиш борасидаги устувор йўналишлардан бири, ҳамда минтақамизда соғлом экологик вазиятни сақлаб қолишга қаратилган ишларнинг узвий давомидир.

Хулоса.Шундай экан, мамлакатимизда барқарор ривожланиш борасидаги устувор йўналишлардан бири ҳам минтақамизда соғлом экологик вазиятни сақлаб қолишга қаратилган. Сув-ботқоқ ҳудудлари эса экологик тизимлар барқарорлиги ва бус-бутунлигини таъминлашда тизим занжирининг муҳим бир халқаси сифатида алоҳида ўрин тутди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳавзалардаги экологик барқарорликни келгуси авлодлар учун сақлаб қолиш учун барчамиз бирдек масъулмиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Mirkomil G., Bakhtiyor Z. Methods of studying the landscapes around the aydar-arnasay lake system //International Engineering Journal For Research & Development. – 2020. – Т. 5. – №. 7. – С. 5-5.
2. Yakhshieva, Z. Z., & Akhmadzhonova, Y. T. (2020). Ecological condition of Aydar-Arnasay lakes and its improvement. In Problems and prospects of innovative technology and technologies in the field of environmental protection//International scientific and technical on-line conference Part-I (pp. 38-140).
3. https://uza.uz/uz/posts/ramsar-konvenciyasiga-kiritilgan-obektlarni-saqlash-va-kengaytirish-masalalari-muhokama-etildi_312776
4. Ziyatovna, Y. Z., Tojimurodovna, A. Y., & Tojimurodovna, A. U. (2021). Aydar-Arnasoy ko'llar tizimining gidrologik tavsifi va ekologik holati. Science and Education, 2(7), 160-169.

5. Akhmadjonova, Y. T. (2022). Water composition and ecological status of aydar-arnasoy lake system. Экономика и социум, (5-2 (92)), 21-24.